

УЎТ: 633.51/11+631.5/559

БЕГОНА ЎТЛАРГА ҚАРШИ ТУПРОҚҚА ИШЛОВ БЕРИШ УСУЛЛАРИ ҲАМДА ГЕРБИЦИДЛАР ҚўЛЛАШНИ КУЗГИ БУҒДОЙ ДОНИНИНГ СИФАТ КўРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ

Ш.А.Тешабаев к.х.ф.ф.д.,(PhD),

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти.

М.М.Ғуломова, К.О.Набижонова

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада кузги бугдой етиштиришда ўғитлаш меъёри, сув режими ҳамда бегона ўтларга қарши курашишда гербицидлардан фойдаланиш, уларни қайси вақтда қанча миқдорда қўллаш миқдори ҳақида маълумотлар берилган. Шунингдек, тупроққа ишлов бериш усуллари, юқори ва сифатли ҳосил етиштириш агротехнологиялари ҳақида илмий маълумотлар берилган

Калит сўзлар: *Ғўза ҳамда кузги бугдой, сифатли бугдой, тупроқ унумдорлиги, гербицид, иқлим шароити, ғўза қатор ораси, бугдойнинг кимёвий таркиби*

АННОТАЦИЯ

В данной статье приведены сведения о норме внесения удобрений, водном режиме, применении гербицидов в борьбе с сорняками при возделывании озимой пшеницы, в какие сроки и в каком количестве, дана научная информация о способах подкормки, агротехнологиях высоких и качественный урожай

Ключевые слова: *Хлопчатник и озимая пшеница, качественная пшеница, плодородие почвы, гербицид, климатические условия, междурядье хлопчатника, химический состав пшеницы.*

ANNOTATION

This article provides information on the fertilization rate, water regime, and the use of herbicides in the fight against weeds in the cultivation of winter wheat, at what time and how much. gave scientific information about methods of feeding, agrotechnologies of high and quality crops

Key words: *Cotton and winter wheat, quality wheat, soil fertility, herbicide, climatic conditions, cotton row spacing, chemical composition of wheat*

КИРИШ

Республикамизда ғўза ҳамда кузги буғдой экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш борасида тупроққа асосий ишлов бериш усуллари билан бирга гербицидларни турли хил муддат ва меъёрларида уйғунлашган ҳолда қўллаб тадқиқотлар олиб бориш жуда муҳим ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, пахта ҳамда ғалла майдонларида тарқалган бегона ўтларга қарши курашишда тупроққа асосий ишлов бериш усуллари ва гербицидларни уйғунлашган ҳолда қўллашнинг самарадорлигини аниқлаш ҳамда амалиётга кенг жорий этиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, кузги буғдой донидан тайёрланадиган нон ва нон маҳсулотларининг тўйимлилик даражаси, доннинг оқсил ҳамда клейковина миқдори, унинг натураси ва шишасимонлигига боғлиқдир. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаларини кўрсатишича кузги буғдойнинг дон таркибидаги оқсил ҳамда клейковина миқдори юқори бўлса, ундан шунчалик сифатли нон ва нон маҳсулотларини тайёрланиши, бунда парваришланадиган навларнинг хусусиятларига, тупроқ–иқлим шароитларига, шунингдек, энг аввало олиб бориладиган агротехник тадбирлар мажмуасига боғлиқ эканлиги бир қатор олимлар томонидан таъкидлаб ўтилган (Ш.Ризаев [104;11-б.], Р.Сиддиқов [115; 7-8-б.] ва бошқалар).

Кузги буғдой донининг сифат кўрсаткичини белгиловчи асосий омиллардан бири, бу унинг таркибидаги оқсил миқдоридир. Тажрибадаги кузги буғдой дони таркибидаги оқсил миқдори ғўза қатор орасига 15-20 см чуқурликда культиватор ёрдамида ишлов бериш усуллари ва бегона ўтларга қарши уйғунлашган ҳолда қўлланилган гербицидларга боғлиқ ҳолда ўрганилди.

Тажрибада олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, ўтмишдон экин сифатида ғўза парваришланганда тупроққа оддий плуг билан 28-30 см чуқурликда ишлов бериш билан бирга гербицидларни уйғунлашган ҳолда қўлланган фонда бегона ўтларга қарши ғўза қатор орасига 15-20 см чуқурликда культиватор ёрдамида ишлов берилиб, гербицид қўлланилмаган назорат 1-вариантдан олинган доннинг кимёвий таркиби таҳлил қилинганида, оқсил миқдори 12,8% ни, клейковина миқдори 25,6% ни, доннинг натура оғирлиги 740 г/л ни ва доннинг шишасимонлиги 53,5% ни ташкил этганлиги аниқланган бўлса, бу кўрсаткичлар ушбу фонда парваришланиб, бегона ўтларга қарши гектарига 20,0-25,0 г/га меъёрларда Гранстар ва Гранстар плус гербицидлари қўлланилган 2-3 вариантлардан олинган дон таркибида оқсил миқдори 13,2-13,7% ни, клейковина миқдори 26,4-27,1% ни, доннинг натура оғирлиги 762,0-778,0 г/л ни ҳамда доннинг шишасимонлиги 54,9-56,0% ни кўрсатган ҳолда назорат вариантыга нисбатан оқсил миқдори 0,4-0,9% гача, клейковина миқдори 0,8-1,5% гача, доннинг натура оғирлиги 22,0-38,0 г/л гача ва доннинг шишасимонлиги 1,4-2,5% гача юқори бўлганлиги аниқланди.

Тажрибада ўтмишдон экин сифатида ғўза парваришланганда тупроққа икки ярусли плуг билан 28-30 см чуқурликда ишлов бериш билан бирга гербицидларни уйғунлашган ҳолда қўлланган фонда бегона ўтларга қарши ғўза қатор орасига 15-20 см чуқурликда культиватор ёрдамида ишлов берилиб, гербицид қўлланилмаган назорат 4-вариантдан олинган доннинг кимёвий таркиби таҳлил қилинганида, оқсил миқдори 13,0% ни, клейковина миқдори 26,0% ни, доннинг натура оғирлиги 754 г/л ни ва доннинг шишасимонлиги 54,2% ни ташкил этган бўлса, ушбу фонда парваришланиб, бегона ўтларга қарши

гектарига 20,0-25,0 г/га меъёрларда Гранстар ва Гранстар плюс гербицидлари қўлланилган 5-6 вариантлардан олинган дон таркибида оксил миқдори 13,5-14,0% ни, клейковина миқдори 26,8-27,4% ни, доннинг натура оғирлиги 770-785 г/л ни, доннинг шишасимонлиги 55,7-56,4% ни ташкил этган ҳолда назорат вариантыга нисбатан оксил миқдори 0,5-1,0% гача, клейковина миқдори 0,8-1,4% гача, доннинг натура оғирлиги 16,0-31,0 г/л гача ва доннинг шишасимонлиги 1,5-2,2% гача юқори бўлганлиги қайд этилди.

Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, тупроққа асосий ишлов беришнинг ҳар икки фонида ҳам назорат вариантыга нисбатан бегона ўтларга қарши Гранстар ва Гранстар плюс гербициди қўлланилган вариантлардан юқори натижалар олинганлиги кузатилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чоратадбирлари тўғрисида» ги фармони*

2. *Ҳасанова Ф.М., Саломов Ш.Т. “Қишлоқ хўжалигида янги тежамкор агротехнологияларни жорий этиш” мавзусидаги халқаро илмий амалий конференция маърузалар тўплами. Т. 2011. Б. 258-259.*

3. *Тешабаев Ш.А., Хошимов И.Н. “Ўза майдонларида ўсувчи бегона ўтларга қарши уйғунлашган кураш” АГРО ИЛМ 2020 №1.Б. 57-59*

4. *Тешабаев Ш.А, Намазов.Ф.Б, Тураев Ж.И “ВЛИЯНИЕ МЕТОДОВ БОРЬБЫ ПРОТИВСОРНЫХ РАСТЕНИЙ НА РОСТ И РАЗВИТИЕ*

ОЗИМОЙ ПШЕНИЦЫ”Международной научно-практической конференции, Состоявшейся 15 декабря 2019 г. в г. ПензаXXIX